*Қарор ва ижро*

# ПИЛЛАЧИЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛИ ҚАНДАЙ?

*Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг пиллачиликка ҳам эътибор кучайди. Илгари бу соҳа ҳақида гап кетганида қуйидаги фактлар афсус билан тилга олинарди. Пилла етиштириш салкам 40 фоиз, ипак газламалар ишлаб чиқариш эса 30 баробар камайиб кетди. Энг ачинарлиси, 35 минг тоннагача пилла етиштириш имконини берадиган тутзорлар қаровсиз қолди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш, соҳани жаҳон талаблари даражасида ривожлантириш юзасидан давлат дастури ишлаб чиқилди, ипакчилик истиқболини белгиловчи муҳим қарорлар қабул қилинди. Аҳамиятли томони шундаки, уларда тармоқ бошқарувидаги бошбошдоқликни тугатиш, барча ишларни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий негизлари белгилаб берилди.*

Айтиш лозимки, бу борадаги амалий ишларнинг бажарилишини таъминлашда Вазирлар Маҳкамасининг "Пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим ўрин тутади. Ушбу қарорда мавжуд тутзорларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш билан бир қаторда, пилла етиштиришни ривожлантириш омиллари ҳамда 2005 йилгача амалга оширилиши лозим бўлган асосий тадбирлар режаси белгилаб берилган. Чунончи, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тутзорларини "Пилла-Холдинг" компаниясининг туман пилла тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналарига тажриба тариқасида узоқ муддатли ижарага бериш топширилган.

Айни вақтда "Ўзбек ипаги" уюшмаси ва унинг барча корхоналарида, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги хўжаликларда мазкур қарор муваффақиятли бажарилмоқда. Уюшма ўз тасарруфидаги пиллачилик корхоналари эҳтиёжига қараб тут дарахтлари экиш ҳуқуқидан кенг фойдаланмоқда. "Пилла-Холдинг" компаниясидан олинган маълумотларга қараганда, февраль-март ойлари давомида Республика бўйича 9 миллион 160 дона тут кўчати экилган. Биргина Навоий вилоятида 470 минг туп тут ўтқазилиб, тутзорлар 50 гектарга кенгайтирилган. Бу кўрсаткичлар ҳукумат дастурида белгиланган режанинг 82 фоизини ташкил этади.

Ҳозир уюшма таркибидаги хўжаликларда маҳсулдор, касалликларга чидамли янги-янги тут навларини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Мавжуд тутзорларни парваришлаш, ўғитлаш, суғориш ва қўриқлаш ишлари эса пудратчиларга шартнома асосида тақсимлаб берилмоқда.

Бу йилги мавсумнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, пиллакорларимиз Ўзбекистон иқлим шароитида ипак қуртидан икки марта ҳосил олиш тажрибасини кенг синовдан ўтказади. Шу боис, 5 минг қутигача ипак қурти ва тегишли тутзорлар ҳозирдаёқ кузги об-ҳаво шароитига мослаштирилмоқда.

Мавсумда пиллакорларимиз 22,5 минг тонналик ҳосил кўтариш ниятида. Шу мақсадда жойларда сифатли уруғлар ҳисобига 410 минг қути ипак қурти боқиш учун тайёрлаб қўйилди.

Қувончлиси, қуртлар ҳосилдорлиги, толасининг узунлиги ва ингичкалиги билан жаҳон андозаларига тўла мос келади. Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти олимларининг таъкидлашича, жорий йилда боқиш учун жонлантирилган ипак қуртининг уруғ ва дурагайлари касалликларга чидамлилиги, сифатлилиги билан алоҳида ажралиб туради.

Пиллачилик истиқболи аввало сифатли ипак қурти ва унинг ягона озуқа базаси — тутчиликнинг нечоғли ривожланганида кўринади. Шу сабабли ҳукуматимизнинг юқорида номи зикр этилган қарори асосан ана шу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган. Шубҳасиз, келгусида сара ипак қурти уруғларини кўпайтириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, тутчилик хўжаликлари ишини янада яхшилаш, янги тутзорлар барпо этиш ўз самарасини беради.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**ЎзА мухбири.**



# ДАРЁ УСТИДА КЎПРИК

*ОҲАНГАРОН дарёси устига Оққўрғон ва Қуйичирчиқ туманларини бир-бирига бирлаштирувчи янги кўприк жадал суръатлар билан қурилмоқда. Бунинг учун 70 миллион сўм маблағ ажратилди. Тошкент йўл ва кўприк қурилиши бошқармаси бу муҳим иншоотни барпо этишга ўтган йилнинг ноябрида киришган эди. Ҳозиргача 10 миллион сўмликдан ортиқ бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бунёдкорлар уни муддатидан анча илгари қуриб битказишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Уста Сайдулла Расулов, экскаваторчи Тожиддин Соипов, арматурачи Тожибой Бўтабековлар каби қурувчилар юксак маҳорат билан ишламоқдалар. Бу кўприк ишга тушгач, икки қишлоқ тумани ўртасидаги автотранспорт қатнови масофаси 25 километрга қисқаради. Кўприк қурилиши харажатлари қисқа муддатларда қопланади.*

*СУРАТЛАРДА: Бошқарма устаси Сайдулла Расулов ва арматурачи Тожибой Бўтабековлар иш устида; қурилаётган кўприкнинг умумий кўриниши.*

**Дилшод АҲМЕДОВ**
**суратга олган.**



# ДИЛИМИЗДАГИ ГАПЛАР

**ХУСУСИЙ фирмамиз Олмалиқнинг Москва кўчасида жойлашган. Бу ерда аҳоли анча зич яшайди. Мавжуд савдо шоҳобчалари фуқароларнинг турли-туман истеъмол маҳсулотларига нисбатан эҳтиёжини тўла қондиролмасди. Шуни ҳисобга олиб, бу хайрли ишга ҳисса қўшиш мақсади билан фирмамизни барпо этган эдик. Биз Низом бўйича савдо-сотиқ ва товар ишлаб чиқариш билан шуғулланишни режалаштирганмиз.**

Савдо-сотиқни анча дуруст йўлга қўйдик. Бунинг учун дўкон очдик. Унда рўзғорга кунда керак бўладиган озиқ-овқат маҳсулотларини сота бошладик. Жумладан, ҳар куни Олмалиқ нон заводидан икки ўртада тузилган шартнома асосида дастлаб, 1200та, кейинчалик 800та булка нон олиб келинадиган бўлди. Шунинг ҳисобига ҳар ойда банкдаги ҳисобимизга бир миллион икки юз минг сўм нақд пул тушираяпмиз.

Лекин, ишлаб чиқаришни ташкил этиш мушкул бўлмоқда. Ҳанузгача уни кўнгилдагидек йўлга қўёолмаяпмиз. Балиқ етиштиришни ўзлаштирмоқчи бўлганимизда унга мутасадди ташкилотлар рухсат беришмади. Бунда экологияга, санитария ҳолатига салбий таъсир қилишини назарда тутишди.

Фирмада қадоқлаш асбоб-ускуналарини ўрнатиш юзасидан қилган уринишларимиз ҳам бекор кетди. Биз бундай технологияни Ҳиндистондан олишни келишиб ҳам қўйган эдик. Бунинг учун тайёрлаган лойиҳамизни "Ўзулгуржибиржасавдо" раҳбарлиги маъқуллади. Шундан сўнг бундай асбоб-ускуналарни бошқаришни биладиган мутахассисни танлаб, унга инглиз тилини ўрганиш учун уч ой ўқитишга маблағ сарфладик. Лекин, танланган асбоб-ускуналарни олиб келиш катта муаммога айланди. Бунинг учун воситачи излаш керак эди. Уни топдик ҳам. У Ўзбекистон-Боягария "Фудмаш" қўшма корхонаси эди. Бироқ улар билан ишимиз пишмади. Воситачилик хизмати учун анча кўп миқдорда пул сўраб, уни олдиндан долларда нақд тўлашни талаб этишди. Бу бизга тўғри келмади. Оқибатда бу режадан ҳам воз кечишга мажбур бўлдик.

Банкда анчагина сармоямиз бор, лекин ундан исталган мақсадда ва вақтда фойдалана ололмаймиз. Фақат ойлик иш ҳақи, мукофот тўлаш, майда хўжалик ашёларини ҳадя қилиш

*Тадбиркор минбари*

учун беришади. Бошқа мақсадларга беришда тихирлик қилишади. Ҳамма олди-сотди муаммолари пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади, нақд пул ишлатиш зарур бўлиб қолса уни ололмаймиз. Бизнингча бу масалада қандайдир енгиллик бўлиши лозим. Банкдаги ҳисобда бўлган маблағимизни бемалол тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлишимиз керак.

Бизни қийнаётган яна бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтишни истар эдим. Тадбиркорлик шундай ишки, барча муаммолар тез ва соз ҳал қилиниши лозим. Бунда алоқа воситалари билан бирга транспорт асқотади. Биз бунда шахсий енгил автомашинадан фойдаланамиз. Бунинг учун ойига 500-600 литр бензин ишлатилади. Бу ёнилғини нақд пулга оламиз. Нима учундир уни пул ўтказиш йўли билан олишимизга рухсат йўқ. Ҳамма тўловлардан ҳоли бўлгандан кейин қоладиган маблағга ўзимиз тўла эгалик қилолмаймиз.

Яна бир масала ҳақида тўхталмоқчи эдим. Қоида бўйича ҳар хил жамғармаларга пул ўтказиш лозим. Нафақа жамғармаси шуларнинг бири. Унинг банкдаги ҳисоб варақаси рақами тез-тез ўзгариб туради. Жорий йилнинг ўтган даврида у уч марта янгиланди. Бу ҳам ортиқча оворагарчиликка сабаб бўлди. Ҳар гал унинг янги рақамини билиш учун Тошкентга боришга мажбур бўламиз. Бунинг учун маблағ ва айниқса, тадбиркор учун қимматли бўлган вақт кунлаб сарфланади.

Шундай фикр-мулоҳазаларни билдирар эканман, мамлакатимизда хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун шароитлар тобора яхшиланиб бораётганлигидан мамнун бўламан. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг II сессияси ва 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларини зўр қизиқиш билан кутиб олдик ва улар билан синчиклаб танишдик. Уларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши чуқур таҳлил қилинган, шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўл-йўриқлари очиқ-ойдин кўрсатиб берилган. Уларни ҳаётга тадбиқ этиш ишбилармонлик тузилмаларининг ортиқча турли оворагарчиликдан, ғовлардан озод этади, фаолият самарасини ортишига ёрдам беради.

Биз ҳам фирмамизнинг аҳолига кўрсатаётган хизмати кўламини кенгайтириш ва турларини кўпайтириш бўйича белгиланган барча режаларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтирамиз.

**Олимжон ЖЎРАЕВ,**
**Олмалиқдаги**
**"Мирзамурод"**
**хусусий фирмаси**
**директори.**

# ТОШКЕНТ МЕТРОСИНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

*Илгари хабар қилинганидек, Вазирлар Маҳкамаси "2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси шаҳар йўловчи транспортини ривожлантириш концепцияси" ҳақида қарор, шунингдек, бу қарорни бажариш борасидаги чора-тадбирлар дастурини қабул қилган эди. Белгиланган истиқбол режалари фуқароларнинг шаҳар йўловчи транспорти хизматига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, бу муҳим иқтисодий соҳада ягона сиёсатни амалга ошириш ва бозор муносабатларини янада ривожлантиришни кўзда тутади — қарорда, жумладан, Тошкент Метрополитенини ривожлантириш, йўллари ҳам белгилаб берилган.*

Пойтахтимизнинг кундан-кун ривожланиб, кенгайиб, обод бўлиб бориши Тошкент метроси ишига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади, албатта. Яқинда йигирма йиллик "тўй"ини нишонлаган метро одатдагидек шаҳар транспортининг энг хавфсиз, тез, қулай ва ўнғай тури бўлиб қолмоқда. Бироқ, Тошкент метрополитени бошқармасидан олинган хабарга қараганда, метрополитен ўтган йилни зарар билан якунлаган. Метрополитен ходимлари бунинг сабабини йўловчиларнинг камайганида, деб билади. Чунки транспортнинг ер устида юрадиган турлари билан рақобат пайдо бўлган.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда Тошкентдек шаҳри азим учун метронинг атиги иккита йўли камлик қилади, албатта. Шаҳарда янги қурилишлар давом этмоқда, янги турар-жойлар метро бекатларидан узоқ жойларда барпо этилмоқда. Бунинг устига, ишга бир неча транспортда борадиган шаҳарликлар йўл ҳақининг қимматлигидан нолийди. Бошқа муаммолар ҳам йўқ эмас.

Шунинг учун ҳам ҳаётнинг ўзи Тошкент метросининг доимий ривожланишда бўлишини тақозо этмоқда. Келгуси йилда Юнусобод йўлининг дастлабки олтита бекатини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бу йўл пойтахтимиз марказини энг йирик турар-жой ва саноат маркази билан, кейинчалик эса, жанубий вокзал билан боғлайди. Концепцияга мувофиқ, Юнусобод йўлининг тўлиқ ишга тушиши 2003 йилга мўлжалланган.

Бекатларни жиҳозлаш борасида метросозлар хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш йўларини қидирмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Япония, Хитой, Россия, Германия ва Чехиядан таклифлар тушган. Бу таклифлар орасида хитойликларники анча маъқул — улар Тошкент метросини ривожлантиришга сармоя ажратишга ҳамда Ўзбекистон учун мақбул шартларда кредит ажратишга тайёр. Шунинг учун ҳам ҳозир лойиҳалаштирилаётган тўртинчи йўл — Жанубий вокзал — Сергели йўли Хитой жиҳозлари билан безатилиши мумкин.

Метро ходимлари рентабелликни ошириш учун ҳозирча фойдаланиш хизматларини камайтириш йўлларини қидирмоқда. Бу борада бир қанча йўналишда иш олиб борилмоқда. Уларнинг дастлабкиси — эҳтиёт қисмларни шу ернинг ўзида, ўз кучлари билан тайёрлашдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ метрополитеннинг таъмирлаш бўлинмаларида тормоз колодкалари тайёрланмоқда, саноат корхоналари билан ҳамкорлик ҳақида шартномалар тузилган. Шунингдек, таъмирлаш ва ишлаб чиқариш цехлари ҳам қурилмоқда. Уларда 400га яқин эҳтиёт қисмлари тайёрланади. Меҳнатни кам талаб қиладиган технологияларни жорий этиш ҳам мўлжалланган. Бу ҳолда бўшаб қолган ходимлар бошқа участкаларга юборилади.

Бу йилдан бошлаб реклама-ахборот агентлиги ҳам ишга тушди. Уни метрополитенни ҳам ўз таркибига олувчи "Тошшаҳарйўловчитранс" уюшмаси таъсис этган. Агентлик рекламалар тайёрлаб, уларни вагонлар ва бекатларда жойлаштириш билан шуғулланади. Метрополитен ходимларининг фикрича, бу — қўшимча даромад манбаидир. "Чилонзор" бекатида йўловчилар ўзларига керакли турли ахборотларни олиши мумкин бўлган мониторлар ўрнатилган. Бу дастурларда реклама, мусиқий роликлардан фойдаланилади, турли-туман маълумотлар бериб турилади. Яна бир янгилик: имтиёзли тариф бўйича 20, 40 ва 60 марта юриш ҳуқуқини берадиган магнит карточкалари тайёрланмоқда.

Тошкент метрополитени ходимлари бу чора-тадбирлар йўловчиларга юксак савияда хизмат кўрсатишни таъминлашига умид боғламоқда.

***(ЎзА).***

# "КАМОЛОТ" — ИШЛАМОҚДА, КАМОЛ ТОПМОҚДА

**ЎЗБЕКИСТОН ёшларининг "Камолот" жамғармаси ташкил топганига тўрт йил тўлиши муносабати билан Республика Миллий Матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.**

"Камолот" жамғармаси ўзини ўзи маблағ билан таъминловчи ва мустақил фаолият юритувчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси сифатида иш бошлаган. Ҳозирги вақтда унинг Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 14та, туман ва шаҳарларда 250дан ортиқ бўлимлари, муассасалар ва ташкилотларда эса 16 минг 800дан ортиқ жамоатчилик марказлари ишлаб турипти. Унинг муассислигида "Туркистон", "Молодежь Узбекистана", "Қалб кўзи" газеталари, "Ёшлик", "Ёш куч", "Сирли олам", "Синфдош" каби журналлар чоп этилмоқда. Шунингдек, матбаа-нашриёт корхонаси, Ёшлар муаммолари институти ҳам мавжуд. Жамғарма тизимида жами 400га яқин марказ, фирма ва корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Жамғарма ёшларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва маънавий манфаатлари ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда қондириш борасида дастурлар тузиб, уларни ҳаётга тадбиқ этиб келмоқда. Республика миқёсидаги танлов, мусобақа ва баҳслар каби тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинаётир. "Сиз қонунни биласизми?", "Сиз тарихни биласизми?", "Ўзбекистон – азиз Ватаним", "Қувноқлар ва зукколар", "Ҳамшира" кўрик-танловлари ҳамда "Шунқорлар" харбий-спорт ўйинлари мусобақалари ана шулар жумласидандир.

Матбуот анжуманини "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси Хотам Абдураимов очиб, журналистларга жамғарманинг тўрт йил давомидаги иш фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан берилган саволларга батафсил жавоблар қайтарилди.

**Шавкат ҚУЛИБОЕВ.**

# "НИҲОЛ" ЯКУНЛАНДИ

Ўсиб келаётган ёш авлод ниҳолга ўхшайди. Уни қандай парваришласанг, шунга яраша ҳосил беради. Талабалар театр-студияларининг анъанавий "Ниҳол-2000" фестивали ҳам ёшлар онгига юксак маънавият, ўзликни англаш, миллий ифтихор сингари эзгу ғояларни чуқурроқ сингдиришдек хайрли мақсадларни ўз олдига қўйган. Ўзбекистон Миллий Университетининг маданият саройида мазкур фестивал тантанали равишда ёпилди. Айтиш жоизки, республика олий ўқув юртларининг йигирмадан ортиқ жамоаси ўз саҳна асарини намойиш этган ушбу фестивал юртимиз ёшлари учун чинакам санъат байрамига айланди.

Намойиш этилган асарларнинг миллийлиги, ижрочилик маҳорати, ғоявий, бадиий, тарбиявий аҳамиятига кўра Ўзбекистон Миллий Университети талабалар жамоасининг "Оқар дарё оқмасмиди жимгина" спектакли ҳамда Тошкент Давлат Техника университети талабаларининг "Шайтон ва фаришта" спектакли биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Шунингдек, Бухоро Давлат университетининг "Уруш" ҳамда Қорақалпоғистон Давлат университетининг "Ҳаёт зарбаси" спектакллари иккинчи ўринга, Фарғона Давлат университетининг "Тикансиз типратикан" ва 2-Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг "Суперқайнона" спектакли учинчи ўринга сазовор бўлди.

***(ЎзА).***

*Хусусий корхоналарда*

# ЧИҚИНДИДАН ҚАЛИН ҚОҒОЗ ВА ҚУТИЧА

**"ЭРГАШ" хусусий кичик корхонаси Чирчиқда тобора машҳур бўлиб бормоқда, унинг хизматидан фойдаланаётганлар сафи кун сайин кенгайяпти. Корхона жамоаси радио, телевизорларни таъмирлаш билан шуғулланяпти. Бунда хизмат маданиятининг кўнгилдагидек бўлишига эришилмоқда. Замонавий техника воситаларини ишлатиш, таъмирлаш ишларига кафолат бериш шунга олиб келмоқда.**

Тўрт йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган кичик корхонани барпо этган тадбиркор Равшан Гулметов сармоя кўпайиши билан янги тармоқ ташкил этди. Иккиламчи хомашёларни қайта ишлаб чиқарувчи корхона банкрот бўлганидан кейин уни сотиб олди, ишлаб чиқаришни тиклашга анчагина маблағ сарфлади ва қисқа муддат ичида ишга тушириб юборди. Илгари шаҳар ҳуснини бузиб, доғ бўлиб ётган чиқиндилар — макулатура, латта-путта, шиша, пластмасса парчаларини қабул қилувчи тўртта пункт ташкил этилди.

Натижада, корхонада иш билан банд ишчи-хизматчилар сони яна элликтага кўпайди. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг маошлари ҳам ёмон эмас. У ўртача 15 минг сўмгача боряпти. Тадбиркорнинг шундай саъй-ҳаракати туфайли шаҳарнинг экологик ҳолати сезиларли яхшиланди. Чиқиндилардан қалин қоғоз, қутичалар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай арзон маҳсулотлар ҳозирги вақтда республикамизнинг Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва бошқа худудлардаги буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

"Эргаш" хусусий корхонасининг экологияни яхшилашга қўшган ҳиссаси "Экосан" халқаро жамғармаси шаҳар бўлимининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

**Зокиржон АСИЛТОЕВ.**

# "ОТАБЕК"НИНГ РАВОН ЙЎЛЛАРИ

*"ОТАБЕК" хусусий фирмаси ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Кичик жамоа қўлидан чиқаётган маҳсулотлар бозорда бундан бир йил илгари пайдо бўлган эди. Шу қисқа вақт ичида у Қуйичирчиқ туманида кўзга кўриниб қолди, эндиликда оғизга ҳам тушди. Фирма туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси яқинда ўтказган "Ташаббус-2000" кўрик танлови ғолиби бўлди.*

Ҳа, "Отабек" хусусий фирмаси бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб шароитларида барпо этилиб, барқарор ишлаётган тадбиркорлик тузилмаларининг биридир. Уни ихтисоси бўйича муаллим Лола Қулмуротова ташкил қилди. Оилали, уч нафар фарзанднинг онаси бўлган бу аёл ишбилармонлик қилиб, кам бўлмаяпти. Ўз фирмасининг бир маромда ишлашини таъминламоқда.

Корхонада асосан тикувчилик буюмлари тайёрланмоқда. Бундан ташқари, тўқимачилик ҳам йўлга қўйилган. Айниқса, кўплаб мавсумий кийим-кечаклар тикиб, бозорга чиқарилмоқда. Кичик жамоани ўз бағрига олган фирманинг банкдаги ҳисоб варақасида 2 миллион сўмга яқин нақд маблағ бор.

**Дониёр КАМОЛ,**
**Қуйичирчиқ тумани "Эркин сўз" газетаси ходими.**

# МАҲАЛЛАЛАРДА ҲАМКОРЛИК МИНТАҚАЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида мулкчиликнинг қатор шакллари пайдо бўлаяпти. Корхоналар ва маҳаллалар биргаликда ташкил этаётган ўзаро иқтисодий алоқа ва ҳамкорлик минтақалари ҳам шуларнинг биридир. Уларда ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол маҳсулотлари ва кўрсатилаётган турли хизматлар аҳолининг эҳтиёжларини қондиришга муайян даражада ёрдам бермоқда. Шунинг учун ҳам вилоятимиз шаҳар ва туманларида бундай минтақаларни барпо этишга эътибор билан қаралаяпти.

Жорий йил бошига келиб вилоятимизда уларнинг сони ўн олтитага етди. Ўтган йил давомида шундай корхоналар қаторига яна еттита қўшилди. Чунончи, Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида ва Ўртачирчиқ туманида барпо этилди. Ҳозирги вақтда Ўртачирчиқ туманида яна иккитасини ташкил этиш ишларига тайёргарлик кўриляпти.

Бу минтақаларнинг ўн биттаси ишлаб турипти. Улар томонидан тайёрланган маҳсулот ва кўрсатилган хизмат ҳажми 67 миллион 235 минг сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Бунда Ангрендаги "Ағама-110" минтақаси жамоасининг ҳиссаси салмоқли бўлди. Бу жамоа истеъмол бозорига 23 миллион 314 минг сўмлик турли-туман маҳсулотлар етказиб берди. Оҳангарондаги "Анор" хусусий корхонаси билан "Умид" маҳалласи барпо этган "Корхона-маҳалла" минтақаси ҳар йили 13 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Минтақаларда ишловчилар сони 175 кишига етди. Улар асосан тикувчилик, трикотаж, кўрпа-ёстиқлар ишлаб чиқариш, таъмирлаш, бинокорлик ашёлари тайёрлаш, сут маҳсулотлари сотиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланишяпти. Бу йил эса янада юксакроқ меҳнат марраларини эгаллаш учун ҳиммат камарини маҳкам боғлаб ишлашмоқда.

**Собир ҲАМИДОВ.**

*Қишлоқ ва ислоҳот*

# ОЗУҚА МУАММОСИНИ ЎЗЛАРИ ҲАЛ ҚИЛДИЛАР

***ЗАНГИОТА туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигининг насилчилик йўналишидаги фермасида айни кунларда 650 бош қорамол, шу ҳисобдан 175 бош сигир боқилмоқда. Хўжалик ҳар йили сут, гўшт етиштириш режаларини ортиғи билан бажаради. Ҳар бош сигирдан ўртача 4 минг литрдан сут соғиб топширилади.***

***Мазкур тармоқдан йилига ўртача 12 миллион сўмдан ортиқ соф даромад олинмоқда. Чорво қишловдан соғлом, тўқ, семиз чиқмоқда. Айни кунларда ҳам мавжуд сигирларнинг ҳар биридан ўртача 10 литрдан ошириб сут соғиб олинмоқда. Пулга айлантирилганда 140 минг сўм бўлади. Демак, ой девомида сут сотиш ҳисобига 5 миллион сўм даромад қилинади. Ҳаражатлар чегириб ташланса, ўртача бир миллион сўм соф фойда қолади. Бунинг 15 фоизи иш ҳақига тақсимланади. Ҳар бир чорвадорнинг ўртача ойлик маоши 15 минг сўмдан 25 минг сўмга боради. Биз яқинда фермада бўлиб, хўжалик раисининг чорвачилик ишлари бўйича ўринбосари Ҳабибулло Каримов билан эришилаётган ютуқларнинг омиллари ҳақида суҳбатлашдик.***

**– Маълумки, ем-хашак чорвачиликнинг ўзаги ҳисобланади. Чунки, молингиз қанчалик зотли бўлмасин, емишдан бир оз бўлсада қисилса, маҳсулдорлиги кўнгилдагидек бўлмайди. Шу ҳақда гап очгудек бўлсангиз, айрим чорвадорларнинг хасратидан чанг чиқади: "Биродар, ҳар бир шартли қорамол учун аслида бир гектар ер бўлиши керак. Бизда эса жуда кам". Лекин "ана шу ерлардан қандай ҳосил олмоқдасиз?" деб сўрасангиз лаб тишлайдилар.**

– Гапингизда жон бор. Эҳтимол, улар имконият қидиришдан эринишади. Мана бизда ҳам ер масаласи муаммо. Ўртача ҳар бир молга сал кам ярим гектардан ер тўғри келади. Лекин биз мақтаниш эмаску, эпини қиляпмиз. Лекин бунинг учун кўп бош қотирдик, изландик. Гап шундаки, азал-азалдан илғор бўлиб келган фермамиз 1994-95 йилларга келиб бир оз орқага кета бошлади. Нега дейсизми? Биз у вақтларда зарур бўлган ем-хашакни асосан четдан, тўғрироғи қўшни Қозоғистондан олиб келардик. Маҳсулот таннархига салбий таъсир қилса-да шунга ўрганиб қолган эдик. Лекин, мустақил бўлганимиздан сўнг вазият ўзгарди.

Ташқаридан олиб келинадиган озуқанинг нархи "осмон"га чиқди. Нима қилиш керак? Биз фаоллар ва тажрибакорлар билан бу ҳақда ўйлай бошладик. Баҳонага ўрин бўлмаслиги керак. Ҳар қандай шароитда ҳам чорвачиликдаги мавқеимизни бой бермаслигимиз шарт! Бунинг бирдан-бир йўли энди аравани ўзимиз тортишимиз лозим. Ем-хашак муаммосини имкониятларимиздан келиб чиқиб, ўзимиз ҳал қилишимиз зарур, деган қарорга келдик. Мақсадга эришиш учун эса бирдан-бир йўл бор. У ҳам бўлса озуқа учун ажратилган ерлардан ҳозиргига нисбатан 2–3 ҳисса кўп ҳосил олиш талаб этилади. Қандай қилиб? Бунинг чораси деҳқоннинг озуқа етиштиришга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, қизиқтиришнинг энг мақбул усулини жорий этиб, манфаатдорлигини кескин ошириш керак! Ишни озуқа етиштирувчиларни танлаб, саралаб олишдан бошладик. Сўнг улар билан келишдик. Икки томонлама шартнома туздик. Шартноманинг асосий моҳияти шундай бўлди: кимки беш гектар ердаги бедазорга қараб, ҳар гектаридан камида 150 центнердан пичан олиб берса, унга иш ҳақидан ташқари битта буқача текинга мукофотга берилади. Силос, лавлаги етиштирадиган озуқакорлар билан ҳам шундай келишилди: шартнома бажарилса, уларга ҳам текинга буқача ажратилади.

Маъмуриятнинг вазифаси ҳам аниқ белгилаб қўйилди. Озуқакорларга барча шарт-шароит яратиб берилади.

**– Бу қизиқтириш хўжаликка қимматга тушмадими?**

Ҳар ҳолда буқача анча туради...

– Йўқ. Аксинча бўлди. Биз ҳисоблаб чиқдик. Бедадан ёки бошқа озуқа экинларидан ортиқча олинадиган ҳосил пулга чақиладиган бўлса, иккита буқача келаркан. Демак, озуқакор ҳам хурсанд. Хўжаликнинг омбори эса озуқага тўлиб боради. Шу тариқа биз муаммони ўзимиз ҳал қилдик ҳисоб. Чорвамизнинг эҳтиёжи учун зарур ем-хашакнинг деярли 90–95 фоизи ўзимиздан чиқмоқда.

**– Бу мақсадга эришишнинг ўзи бўлмагандир?**

– Аввало биз техникани бутлаб олиш чорасини кўрдик. Қарзга бўлса ҳам озуқакорлар учун ниҳоятда зарур бўлган "Морал-125" замонавий комбайн, иккита ўрувчи, иккита йиғувчи, майдаловчи техникаларни сотиб олдик. Қарабсизки, иш юришиб кетди, қўл кучига сира эҳтиёж қолмади. Ана шундан сўнг тўла гектар учун кураша бошладик. Алмашлаб экишни йўлга қўйдик. Чорвачилик илмий тадқиқот институти, ходимлари шунингдек, тупроқшунос олимлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг маслаҳатлари, тавсиялари асосида иш қила бошладик. Қайси майдонга қандай ишлов бериш керак, қайси навдаги озуқани эккан маъқул? Бу борада олимлар амалий ёрдам бердилар.

**– Айримлар бедадан кўпи билан уч-тўрт йилгача юқори ҳосил олса бўлади, дейишади.**

– Ҳамма гап қаровга, ишловга боғлиқ. Биласизми, беданинг илдизи титиб турилса, демакки, ўз вақтида чизелланиб, ўғитланиб, сувдан толиқтирмай парвариш қилинса, апрель ойида хуруж қиладиган фитаномус хашаротига қарши ўз вақтда чора кўрилса, 5-6 йилгача баракали ҳосил олиш мумкин. Буни биз тажрибада синаб кўряпмиз. Эски бедазорларни бузиб, янгиладик. Бу ишда ҳам ўзига хос йўл тутдик. Одат бўлиб қолгандек, уруғни кушга ем қилиб, гектарига 35-40 килограмм сарфлаб экмадик. Механизациядан фойдаландик. Румин сеялкасини ишга солдик. Бирйўла уруғ махсус мослама билан тупроққа аралаштирилиб кетилди. Шундай қилиб, биз тенг ярим уруғни тежаб қолдик. Шу ҳисобга ҳам қанчадан-қанча қўшимча маблағга эга бўлдик.

Олимларнинг тавсияси билан пуштага икки қатор қилиб: бир қаторига маккажўхори, иккинчи қаторига сорго экдик. Апрель ойида ҳар икки экинни кўк учун ўриб молларга едирамиз. Соргонинг шираси кучли бўлганлиги учун ҳам моллар иштаҳа билан ейди. Сути айқириб кетади. Мана ҳозирги кунда ҳам ҳар бир сигирдан кунига 10 килодан ошириб сут соғиб олмоқдамиз. Агар бевосита соғилаётганларга тақсимласак 13 килоданга тўғри келмоқда.

Тағин лаганбардорлик қиляпти, деб ўйламанг-у, раисимизнинг асли мутахассислиги иқтисодчи бўлганлиги ҳар бир соҳада ниҳоятда қўл келяпти. Дарвоқе, у кишининг шиори бор: ҳар бир ишда эришилаётган натижаларни таҳлил, таҳлил ва яна таҳлил қилиб бориш керак! Биз фаоллардан ҳам, деҳқонлардан ҳам шуни талаб қиладилар, шунга ўргатадилар.

Ҳар йили, албатта, пудратчи деҳқонлар, озуқакорлар билан икки-уч марта йиғилиб давра суҳбати ўтказамиз. Очиқчасига фикрлашамиз, бахслашамиз. Шу жараёнда кимнинг қандай ишлаганлиги, қандай ютуққа эришганлиги беш қўлдек маълум бўлади. Лоқайдлик қилганларнинг камчиликлари, нуқсонлари сув юзасига қалқиб чиққан пўкакдек кўзга ташланиб қолади. Ана шунга қараб уларга муносабатда бўламиз: "Энди, оғайни, эплайолмадинг, эплайдиганларга бўшатиб бер ўрнингни!"

Лекин, ютуқлардан мағрурланмаймиз. Изланишни, олимлар, мутахассислар билан мулоқотни, ҳамкорликни тўхтатмаймиз.

**– Демак, соғин сигирлар маҳсулдорлигини яна ҳам оширса бўлади. Шундай эмасми?**

– Гап тагини гап очади. Президентимиз қишлоқ хўжалиги, шу жумладан чорвачилик ҳақида гап кетганда кўпинча Голландия сигирларини, у ерда мўл-кўл маҳсулот олинишини мисол қилиб келтирадилар.

Шундай пайтда бошқаларни билмадиму, мен ич-ичимдан эзилиб кетаман. Нега биз улардан кам маҳсулот олишимиз керак. Қуёшли ўлкамизда етиштирилаётган озуқанинг тўйимлилиги минг чандон ортиққу. Қолаверса, бизда ҳам зотли моллар етарли-ку. Айб ўзимизда. Қаровни, боқувни қойил қила олмаётганимизда, деб ўйлайман. Бу муаммо мени кўп қийнайди. Ўз тажрибам мисолида муаммони ҳал қилиб бўлармикан, деб ҳаракат қилиб кўрдим. Фермамиздаги зотли сигирнинг урғочи бузоғини олиб, зооветеринария қонун-қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда боқдим. Зотли буқадан қочирдим. Ғунажин жуда дуркун бўлиб ўсди. Соғлом ва йирик бузоқ туғиб берди. Қани нима бўларкин деб, бузоқни етти ойгача сути она билан боқдим. Икки ойгача қўлда эмиздик, кейин бўй бермай қолди. Соғиб олинган сутдан тўйдириб бериб бордик. Шу денг, бузоқ ниҳоятда етилиб кетди, кўрганлар уни бир ярим ёшлик танача дейишади.

Ана шу тарзда парвариш қилинган ғунажин гомуш сигир бўлиб етишди, бу сигирдан кунига 30 литргача сут соғиб олдик. Ана сизга соғлом, зотли сигирдан соғлом бузоқ олиниши.

**– Бу шахсий тажриба сабоқ бўлгандир.**

– Албатта. Ҳозирги кунда ҳам фермамизда сигирларни рисоладагидек тўйдириб боқишга, энг муҳими озуқасида оқсил моддасининг кўп бўлишига эришиш учун ҳаракат қиляпмиз. Яқинда фермамизга вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси фан ва техника янгиликларини амалиётга жорий қилиш бўлими мутахассислари, олимлар келишди. Улар бизга фермада ачитқи цехи ташкил этиш тўғрисида маслаҳат беришди. Ўзлари ёрдам қилишларини айтишди. Шундай қилмоқчимиз. Агарда ачитқи цехи ишга туширилса, озуқанинг тўйимлилиги ниҳоятда ошади, бир мол 40-50 килограмм ўрнига 15-20 килограмм ейиши кифоя бўлади.

Бу йилдан бошлаб буғдойдан бўшаган майдонларга ҳам тез етиладиган, чиллаки озуқа экинларини экмоқчимиз. Дейлик, ота-боболаримиз экиб келган тариқни нега биз экмай қўйдик? Бу озуқа экини тез пишади, ўриб олиб тегирмонга солсангиз тайёр емнинг ўзгинаси...

**Биз ўша куни Ҳабибулло билан чорвачилик ва унинг истиқболи ҳақида узоқ суҳбатлашдик ва мен шундай хулосага келдим: қаерда раҳбарлар, мутахассислар чорвачиликка астойдил ихлос, меҳр қўйса, изланса, чорвадорларга ҳамма шароитни яратиб берса, албатта, мўл-кўлчилик бўлади. Режалар ошириб бажарилади, маҳсулдорлик ортиб бораверади.**

***Носир РИҲСИЕВ,***
***"Тошкент ҳақиқати"нинг мухбири.***

*Экиш кундалиги*



## ЯНА БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

ОХУНБОБОЕВ номли ширкат хўжалигида ҳар йили пахта ва ғалладан барқарор ҳосил олиниб, шартнома режалари ортиғи билан уддаланади. Шу боис, иқтисодий жиҳатдан ҳам Пскент туманидаги илғор хўжаликлардан бири ҳисобланади. Ўтган йилги мавсумда ҳам охунбобоевликлар ўз анъаналарига содиқ қолишди. Давлатга пахта сотиш шартнома режаси туманда биринчи бўлиб, 18 кунда бажарилди. Қабул пунктларига 3000 тонна ўрнига 3365 тонна сифатли хомашё топширилди. Ҳосилдорлик 30 центнердан ошди. Саидали Ғанибоев, Қобил Қаршибоев бошлиқ бригадаларда гектаридан 40-42 центнердан ҳосил кўтарилди.

– Барқарорликнинг асосан иккита омили бор, – дейди хўжалик бошқаруви раиси Аблиёр Абдураҳмонов. – Аввало, бизда оила пудрати тўла жорий этилган. Ҳар бир оила ўз ер участкасига эга. Етиштириб топширган пахтасининг сифати ва чўғига қараб ҳақини олади. Шунинг учун, ўз ерида манфаатдорлик билан астойдил ишлайди. Иккинчидан, пудратчиларимиз "Тошкент-6" навининг ўзига хос агротехникасини обдон ўрганиб олишган. Хосилнинг мўл ва эрта пишиб етилиши учун қайси тадбирни қачон, қандай тартибда амалга оширишни жуда яхши билишади.

Яна бир гап. Хўжаликда чигит экишга ҳар йили жиддий тайёргарлик кўрилиб, энг мақбул фурсат ва муддатда сифатли экиб олинади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Ернинг экишга етилган ёки етилмагани ҳамда сеялкаларнинг созлиги 26 март куниёқ синовдан ўтказилди. Орадан икки-уч кун ўтгач, чигит экиш оммавий бошлаб юборилди. Ҳозир дастлаб экилган майдонлардаги ғўза ниҳолларига биринчи ишлов беришни бошлашга тайёргарлик кўрилмоқда.

Сиз кўриб турган ушбу суратни мухбиримиз Даврон Аҳмедов сўнгги пайкалларга уруғ қадалаётган пайтда тасвирга тушириб келган эди. Унда пудратчи Баҳром Эгамқулов, механик Шерхўжа Исроилов, бригада бошлиқлари Ўткир Чинтошев, Ҳасанбой Қосимов экиш сифатини кўздан кечирмоқдалар.

***Самад ЙЎЛДОШ.***

*Ҳамкасбларимиз*

# КАМТАРНИНГ КАМОЛИ

***Жасур Носиров ҳақида ёзмоқчи бўлганимда беихтиёр унинг етмишинчи йилларда мен ишлаётган бўлимга адабий ходим бўлиб ўтган кезлари ёдимга тушди. У барвақт ишга келар, хат-хабарларни ҳафсала билан, меъёрига етказиб ишлар, орадаги кунларда ижодий сафарга ҳам чиқиб қойилмақом лавҳа, очеркларни ёзиб қўлимга тутқазарди.***

Мен мудир сифатида уларни синчиклаб кўрардим. Лекин деярли қалам текизмасдим. Ҳаммаси жойида, хато, стилистик камчиликлар йўқ! Баъзан ўзимча ҳижолат ҳам бўлиб қўярдим. Менга иш ҳам қолдирмасди. Аслида мудирликка арзийдиган журналист эди. Шундай бўлди ҳам.

Мен ўйлардим. Одатда олий ўқув юртини битириб, газетага ишга келадиганларнинг аксарияти то йўлга тушиб олгунча кўп қийналадилар. Ҳаётий тажриба, малака етишмасди-да уларда.

Лекин Жасур Носировда ҳар иккиси ҳам бор эди. Кейин билсам журналистлик, ёзишга, ижодга қизиқиш,унинг қонида бор экан. Матбуотимизни ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшган таниқли журналист Абдуфаттоҳ ака Набихўжаев, унинг ўғли иқтидорли қаламкаш, узоқ йиллар республика газеталарида раҳбарлик лавозимларида ишлаган марҳум Абдукарим Набихўжаевларнинг сулоласидан бўлиб чиқди Жасур.

Унда ижодга, газетачиликка эрта ҳавас уйғонганлигининг боиси ҳам шунда. У ўспиринлик йиллариданоқ Ўзбекистон Ахборот Агентлигида ишлаб кўзи "пишди". Фаолиятини ташувчиликдан бошлаганлиги ҳам унга қўл келди. Йўл-йўлакай таҳририятларга етказиб бераётган мақола-хабарларга кўзи тушар, баъзиларини қизиқиш билан ўқиб чиқиб, ёзмоқчи бўлган мақолалари учун озуқа оларди. Шунинг учун ҳам унинг Миллий университетимиз журналистика бўлимида ўқиши осон кечди. У ўқиш жараёнида ҳам рўзномалардан алоқасини узмади, катта-кичик мақолалари билан қатнашиб турди. Олий ўқув юртини тугатгач "Тошкент ҳақиқати" рўзномасига ишга келди. Сира қийналмай, иккиланмай ижодга берилди. Мухбирликдан бўлим мудири лавозимига кўтарилди. Летучкаларда мақталадиган, мазмунли, мавзуи замонавий ҳозиржавоб мақолалар орасида Жасур ёзганлари ҳам тез-тез учраб турарди. Лекин у ҳеч вақт мақтовларни эшитиб, айримларга ўхшаб ўзини "йўқотиб" қўймаган. Аксинча, изланиш, ўз устида ишлашни тинмай давом эттирди. Йиллар ўтди. Шу аснода у етук журналистлар сафига қўшилди.

"Ишонч" газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаганида газетанинг ўқимишли, мазмунли бўлиб чиқишига муносиб ҳисса қўшди.

Ана, эшик очилиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бўлими бошлиғи, қадрдонимиз, ҳамкасбимиз Жасур ҳар доимгидек кулимсираб кириб келди. Сўраб-исташдик.

— Зўридан борми, — дедик ҳазиллашиб.

— Бор-да, — дейди у, — тўғри кўз очиб кўрган даргоҳимизга олиб келдим бегона қилмай.

Сўнг у бир даста қоғозлар орасидан мақолани олиб бизга узатди. Солиқчиларнинг машаққатли меҳнати, айрим савдо ходимларининг юлғичлиги, таъмагарлиги фош этилган бу мақола кўп ўтмай газета юзини кўрди. Летучкада яхши баҳо олди.

Ҳар гал Жасур билан учрашиб, суҳбатлашганимда бир ҳақиқатга амин бўламан. Эл-юртига астойдил, сидқидилдан хизмат қиладиган инсон ҳеч вақт кам бўлмас экан. Ҳамиша ардоқда, эъзозда, иззат-ҳурматда юрар экан.

***Носир ИСАЕВ.***

*Маърифат муассасаларида*

# «ТУРОН» — КЎМАКДОШ

*Вилоят "Турон" кутубхонаси қошида хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи "Чорсу-2000" ахборот-ҳуқуқий маркази ташкил этилгани ҳақида хабар қилгандик.*

— Ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар даврида янги мулкдорлар синфининг шаклланишига ёрдам кўрсатишга жазм қилдик, — дейди кутубхона раҳбари Вазира Собирова. — Марказ фаолияти хусусий тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерларга кўмаклашишга йўналтирилган бўлиб, уларни ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлайди ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Бу ерда солиқ ва бухгалтерия ҳисобини олиб бориш, тадбиркорлик фаолиятини юргизиш, микрокредитлар ҳақида маслаҳатлар олиш ҳамда Ўзбекистоннинг иқтисодий қонунларини ўз ичига олган "Ҳуқуқ" компьютер дастуридан, кутубхонада мавжуд тадбиркорлик фаолиятига оид ҳуқуқий адабиётлардан фойдаланиш имкони бор.

Энг асосийси, дунёдаги шу соҳага тегишли ахборотларни мужассамловчи "Интернет" тизимидан хоҳлаган маълумотларни олиш мумкин. Қолаверса, электрон почтадан хабарлар олиш ва дунёнинг хоҳлаган нуқтасига ахборот бериш имконияти яратилган. Шу ернинг ўзида турли ҳужжат ва бошқа маълумотномалардан кўчирмалар олиб берувчи "UTAX" нусха кўчирувчи техникаси ишга туширилгани ҳам нур устига аъло нур бўлди.

— Шу билан бирга ўзимизнинг кундалик вазифаларимизни ҳам унутмаяпмиз, — дейди В. Собирова. — Турли фан соҳалари бўйича республикамизда ва чет элларда чоп этилаётган адабиётлар жамғармасини ташкил қилиш, сақлаш, тарғиб қилиш, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлардаги ташкилот, муассаса ва корхона китобхонларига кутубхонада ахборот ва маълумот библиография хизматини ташкил этиш ҳамда вилоятимиздаги давлат кутубхоналарига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш асосий иш фаолиятимиз ҳисобланади. Бу борада ҳам янги технологияни ишга тушириш ниятимиз бор. Кутубхона жамғармасида бўлган ўзбек тилидаги адабиётларнинг электрон каталогини тузиш иши эса якунланди. Энди унинг ёрдамида ўқувчилар хоҳлаган адабиётларини топиш имкониятига эга бўладилар.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ.***

**МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" газетаси учун 2000 йилнинг иккинчи ярмига обуна бошлаб юборилди. "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ва компания таркибига кирувчи корхоналар билан бирга энди бу юмуш билан**

**"ARZI" нашрларни тарқатиш агентлиги**

**ҳам шуғулланмоқда. "Пулларингиз ва вақтингизни тежашга кўмаклашамиз" сўзларини шиор қилиб олган мазкур агентлик маҳаллий ва хорижий нашрларни тарқатишга ихтисослашган. Обуна масалалари бўйича ушбу муассасанинг 136-08-69 рақамли телефонига ёки 136-08-50 рақамли факсига мурожаат қилиш мумкин.**

# ДУНЁ ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

**воқеалар • мамлакатлар • одамлар**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

● КУБА ПОЙТАХТИ – Гаванада "77 гуруҳи" мамлакатлари бошлиқларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда 42 давлат раҳбарлари ҳамда яна бошқа 80 мамлакатдан келган вакиллар иштирок этдилар.

● ОЛМОНИЯ пойтахтида 2–3 июль кунлари "XXI асрда замонавий бошқарув" мавзуида халқаро анжуман ўтказилажаклиги эълон қилинди. Унда 14 мамлакатдан давлат ва хукумат бошлиқлари қатнашади. Жумладан, мулоқотга АҚШ, Аргентина, Буюк Британия, Бразилия, Италия, Исроил, Португалия, Франция каби давлатлар раҳбарлари таклиф этилади.

● ПОКИСТОН ҳукумати ядровий синовларни ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги шартномани фақат мамлакат халқининг умумий розилигини олгандан (Референдум) кейингина имзолашлигини маълум қилди.

● ФРАНЦИЯ ва Португалиянинг Россиядаги элчилари ҳамда Оврўпо Иттифоқининг Москвадаги доимий вакили 20–21 апрель кунлари вазият билан танишиш мақсадида Чеченистонга сафар қиладилар.

● АРАБ Давлатлари Лигаси (АДЛ) Исроилнинг Жўлан тепаликларида турар жой қурилишларини давом эттириш тўғрисидаги қарорини қаттиқ қоралади.

● БУНДАН бир қанча вақт муқаддам Индонезияда собиқ президент Сухарто устидан жиноий иш қўзғатилган эди. У коррупция ва бойиш йўлида ноқонуний ишлар содир этишда айбланмоқда. Яқинда мамлакат прокуратураси Сухартонинг чет элга чиқишини таъқиқлаб қўйди.

### XXI АСР ВА АХБОРОТ

РОССИЯ пойтахтида 19–24 апрель кунлари Осиё ва Тинч уммони минтақаси мамлакатлари ахборот агентликлари ташкилоти Бош ассамблеясининг ўн биринчи мажлиси бўлиб ўтади. Унда 50 мамлакат ахборот агентликлари раҳбарлари ҳамда халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этадилар. Мажлисда XXI асрда дунё ахборот оламида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар муҳокама қилинади.

Мазкур ташкилотга БМТ ҳамда ЮНЕСКО ташаббуси билан 40 йил илгари асос солинган эди. Ҳозир унга 34 мамлакат ахборот агентлиги аъзо бўлган.

### ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ МАЪҚУЛЛАДИ

БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Конго Демократик Республикасида ихтилофда турган томонлар ўртасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисида келишувга эришилганини маъқуллади. Кенгашнинг мазкур ойдаги раиси Роберт Фаулернинг (Канада) айтишича, уришаётган томонларнинг ярашишга ҳаракат қилаётгани ғоят муҳимдир. Хавфсизлик Кенгаши, шунингдек, КДРга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш қониқарсиз аҳволда эканидан ташвиш билдириб, келишувга эришган томонларни бу борада халқаро жамият билан ҳамкорлик қилишга даъват этди.

### ҲУКУМАТ ИШГА КИРИШДИ

ЯҚИНДА бўлиб ўтган парламент сайловида ғолиб чиққан Греция социалистлар ҳаракатининг етакчиси Константинос Симитис бош вазир сифатида мамлакатнинг янги ҳукумати таркибини эълон қилди. Ишга киришган ҳукуматда аввалги қатор вазирлар ўз лавозимларини сақлаб қолдилар. Янги ҳукумат таркибида 43 киши, жумладан, 20 нафар вазир, 22 вазир ўринбосари ва битта биринчи ўринбосар бор.

### ОЛДИ ОЛИНМАСА, БЎЛМАЙДИ

ЖАҲОН табиатни асраш Жамғармаси уммон тошбақалари, айниқса, унинг "Қизил китоб"га кирган ноёб турлари борган сари камайиб бораётганидан ташвиш билдирди. Жамғарма маълумотига қараганда, дунё бўйича бундай жониворлар билан савдо қилиш таъқиқланган бўлсада, бу соҳа айни пайтда баъзи кимсаларнинг асосий даромад манбаига айланиб бораётир. Натижада, ҳар йили 300 минг тошбақа нобуд бўлмоқда. Вазият шу тарзда давом этаверса, яқин йиллар ичида бундай жониворлар батамом йўқолиб кетиши мумкин, шу боис бундай ҳолатнинг олдини зудлик билан олиш керак, деди жамғарма вакили.

### НОХУШ ҲОДИСАЛАР КЎПАЙМОҚДА

ҚОЗОҒИСТОНДА сўнгги уч ой ичида нохуш ҳодисаларнинг кўпаяётганлиги қайд этилди. Шу давр мобайнида 4 мингдан зиёд кўнгилсиз воқеа рўйхатга олинди, офатлар ҳамда аҳолининг эътиборсизлиги туфайли 2 мингдан зиёд одам шикастланди, 600 киши ёнғин ёҳуд автомобиль ҳалокати қурбони бўлди. Хусусий ҳамда давлат мулкларига етган зарар 3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

**(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).**

